

**АНДИЖОН ДАВЛАТ УНИВЕРСИТЕТИ ҲУЗУРИДАГИ ФАЛСАФА
ДОКТОРИ (PhD) ИЛМИЙ ДАРАЖАСИНИ БЕРУВЧИ PhD 31.01.2019.
Tar.60.01 РАҚАМЛИ ИЛМИЙ КЕНГАШ**

АНДИЖОН ДАВЛАТ УНИВЕРСИТЕТИ

ЮСУПОВА СЕВАРА НИЗАМИТДИНОВНА

**ЎЗБЕКИСТОНДА ДЕМОГРАФИК ЖАРАЁНЛАР ВА УЛАРНИНГ
МИЛЛАТЛАРАРО МУНОСАБАТЛАРГА ТАЪСИРИ
(1991 – 2016 йиллар, Андижон, Наманган ва Фарғона
вилоятлари мисолида)**

07.00.01 – Ўзбекистон тарихи

**ТАРИХ ФАНЛАРИ БЎЙИЧА ФАЛСАФА ДОКТОРИ (PhD) ДИССЕРТАЦИЯСИ
АВТОРЕФЕРАТИ**

Андижон – 2019

Фалсафа доктори (PhD) диссертацияси автореферати мундарижаси

Оглавление автореферата диссертации доктора философии (PhD)

Contents of abstract of the doctor of philosophy (PhD) dissertation

Юсупова Севара Низамитдиновна

Ўзбекистонда демографик жараёнлар ва уларнинг миллатлараро муносабатларга таъсири (1991 – 2016 йиллар, Андижон, Наманган ва Фарғона вилоятлари мисолида)..... 3

Юсупова Севара Низамитдиновна

Демографические процессы в Узбекистане и их влияние на межнациональные отношения (1991 – 2016 гг., на примере Андижанской, Наманганкой и Ферганской областей) 23

Yusupova Sevara Nizamitdinovna

Demographic processes in Uzbekistan and their impact on interethnic relations (1991– 2016., by the example of the Andijan, Namangan and Ferghana regions)..... 45

Эълон қилинган ишлар рўйхати

Список опубликованных работ
List of published works 50

**АНДИЖОН ДАВЛАТ УНИВЕРСИТЕТИ ҲУЗУРИДАГИ ФАЛСАФА
ДОКТОРИ (PhD) ИЛМИЙ ДАРАЖАСИНИ БЕРУВЧИ PhD 31.01.2019.
Tar.60.01 РАҚАМЛИ ИЛМИЙ КЕНГАШ**

АНДИЖОН ДАВЛАТ УНИВЕРСИТЕТИ

ЮСУПОВА СЕВАРА НИЗАМИТДИНОВНА

**ЎЗБЕКИСТОНДА ДЕМОГРАФИК ЖАРАЁНЛАР ВА УЛАРНИНГ
МИЛЛАТЛАРАРО МУНОСАБАТЛАРГА ТАЪСИРИ
(1991 – 2016 йиллар, Андижон, Наманган ва Фарғона
вилоятлари мисолида)**

07.00.01 – Ўзбекистон тарихи

**ТАРИХ ФАНЛАРИ БЎЙИЧА ФАЛСАФА ДОКТОРИ (PhD) ДИССЕРТАЦИЯСИ
АВТОРЕФЕРАТИ**

Андижон – 2019

Фалсафа доктори (PhD) диссертацияси мавзуси Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси ҳузуридаги Олий аттестация комиссиясида B2017.3.PhD/Tag182. рақами билан рўйхатга олинган.

Диссертация Андижон давлат университетида бажарилган.

Диссертация автореферати уч тилда (ўзбек, рус, инглиз (резюме)) Илмий кенгаш веб-саҳифасида (<http://adu.uz>) ҳамда «ZiyoNET» ахборот-таълим порталида (www.ziyounet.uz) жойлаштирилган.

Илмий раҳбар:

тарих фанлари доктори, профессор

Бобожонова Дилором Бобожонова

Расмий оппонентлар:

тарих фанлари доктори

Юнусова Хуршида Эркиновна

Хаджамуратова Матлюба Хашимовна

тарих фанлари номзоди, доцент

Етакчи ташкилот:

Тошкент давлат педагогика университети

Диссертация ҳимояси Андижон давлат университети ҳузуридаги илмий даражалар берувчи PhD.31.01.2019.Tag.60.01 рақамли Илмий кенгашнинг 2019 йил «__» _____ соат ____даги мажлисида бўлиб ўтади. (Манзил: 170100, Андижон шаҳар, Университет кўчаси, 129-уй. Андижон давлат университетининг тарих факультети биноси, 1 - қават, 108 - хона.) Тел.: (99874)225-73-21; факс: (99874)225-73-21; e-mail: adu.uz Андижон давлат университети).

Диссертация билан Андижон давлат университетининг Ахборот-ресурс марказида танишиш мумкин (____рақам билан рўйхатга олинган). (Манзил: 170100, Андижон шаҳри, Университет кўчаси, 129-уй. АРМ. биноси). Тел.: (99874)223-88-30, факс: (99874)223-88-30.

Диссертация автореферати 2019 йил «____» _____ куни тарқатилди.
(2019 йил «____» _____даги _____ - рақамли реестр баённомаси)

Р. Т. Шамсутдинов

Илмий даражалар берувчи илмий кенгаш раиси, т.ф.д., профессор

М. Ғ. Абдуллаев

Илмий даражалар берувчи илмий кенгаш котиби, т.ф.д.

У. С. Абдуллаев

Илмий даражалар берувчи илмий кенгаш қошидаги илмий семинар раиси, т.ф.д., профессор

КИРИШ (фалсафа доктори (PhD) диссертацияси аннотацияси)

Диссертация мавзусининг долзарблиги ва зарурати. XX аср охири ва XXI аср бошларига келиб дунё миқёсида аҳоли миграцияси глобал тус олиб, ўзига хос маданият, ҳаёт тарзи ва тили билан фарқ қиладиган диаспоралар шаклланди. Ер юзидаги мавжуд давлатларнинг кўпчилиги полиэтник хусусият касб этган ҳолда, этник мажоролар, озиқ-овқат, ер-сув танқислиги, уй-жой, ишсизлик, экологиянинг бузилиши каби ҳолатларни ҳам келтириб чиқармоқда. Зеро, ҳар қандай давлат ўз ҳудудида яшовчи турли миллат ва элатлар этномаданиятини, этник, миграцион ва демографик жараёнларни ҳамда аҳоли этнодинамикасини ўрганиб боришдан манфаатдор. Бирлашган Миллатлар Ташкилотининг Аҳолишунослик бўйича жамғармаси (UNFPA) томонидан ижтимоий ривожланиш соҳаларига эътибор қаратиш, оилани режалаштириш, аҳолига ҳуқуқий маслаҳатлар бериш, маҳаллий жамоалар билан ишлаш каби муаммолар долзарб бўлиб қолмоқда.

Жаҳон миқёсида миграция, этнодемографик ва этноассимиляцияцион жараёнларнинг тобора қизғин тус олаётгани, турли миллатларнинг миграцион жараёнлардаги ва ижтимоий-иқтисодий ривожланишдаги ўрни, ташқи миграциянинг миллатлараро муносабатларга таъсири, турли минтақаларда диаспораларнинг шаклланиши, аҳоли турмуш даражасини юксалтириш, инсон қаришининг иқтисодий асослари ва генофонд билан боғлиқ муаммолар илмий-назарий жиҳатдан тадқиқ этилмоқда. Ҳозирги кунда халқаро ва минтақавий муносабатларда давом этаётган глобаллашув ва трансформация жараёнидаги этник ва миграцион ҳолатлар, миллатлараро муносабатлар ва демографик вазият, аҳолишунослик ва жамият тараққиётини мутаносиблаштириш юзасидан кенг кўламли тадқиқот ишлари олиб боришни тақозо этмоқда.

Ўзбекистондаги ижтимоий-иқтисодий янгиланишлар, аҳоли демографик ривожланишининг ўзига хос хусусиятлари, унинг миллатлараро муносабатларга таъсирини атрофлича илмий таҳлил этиш эҳтиёжи борлигини кўрсатди. “Мустақиллик йилларида мамлакатимизда миллатлараро муносабатлар ривожидан янги босқич бошланди. Бағрикенглик ва инсонпарварлик маданиятини ривожлантириш, миллатлараро ва фуқаролараро ҳамжиҳатлик ва тотувлигини мустаҳкамлаш, ёш авлодни шу асосда, Ватанга муҳаббат ва садоқат руҳида тарбиялаш Ўзбекистонда давлат сиёсатининг устувор йўналишларидан бирига айланди”¹. Шу боис, республикада аҳолиси зич жойлашганлиги билан ажралиб турадиган Фарғона водийси* аҳолиси, демографик ҳолати ва унинг миллатларо муносабатларга таъсирини алоҳида таҳлил этиш, барча миллат ва элатларнинг ҳаёт даражасини янада юксалтириш, миллатлараро муносабатларни янада уйғунлаштириш йўналишларида илмий-тадқиқотлар олиб бориш мақсадга

¹ Ўзбекистон Республикаси Президентининг Республика байналмилал маданият маркази ташкил этилганининг 25 йиллигига бағишланган учрашувдаги нутқи // “Халқ сўзи”, 2017 йил 24 январь.

* Мазкур тадқиқотда Фарғона водийси ҳақида сўз юритилганда Ўзбекистон Республикасининг Андижон, Наманган ва Фарғона вилоятлари назарда тутилмоқда.

мувофикдир.

Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2017 йил 7 февралдаги ПФ–4947-сон “Ўзбекистон Республикасини янада ривожлантириш бўйича Ҳаракатлар стратегияси тўғрисида”ги, 2017 йил 19 майдаги ПФ–5046-сон “Миллатлараро муносабатлар ва хорижий мамлакатлар билан дўстлик алоқаларини янада такомиллаштириш чора-тадбирлари тўғрисида”ги, 2019 йил 10 январдаги ПФ–5623-сон “Урбанизация жараёнларини тубдан такомиллаштириш чора-тадбирлари тўғрисида”ги, 2019 йил 5 февралдаги ПФ–5655-сон “Ўзбекистон Республикасида 2022 йилда аҳолини рўйхатга олишни ўтказиш концепциясини тасдиқлаш тўғрисида”ги ва 2019 йил 15 ноябрдаги ПФ–5876-сон “Миллатлараро муносабатлар соҳасида Ўзбекистон Республикаси давлат сиёсати концепциясини тасдиқлаш тўғрисида”ги фармонлари ҳамда соҳага оид бошқа меъёрий ҳужжатларда кўрсатилган вазифаларни амалга оширишда ушбу диссертация муайян даражада хизмат қилади.

Тадқиқотнинг республика фан ва технологиялар ривожланишининг устувор йўналишларига мослиги. Тадқиқот республика фан ва технологиялар ривожланишининг I. “Ахборотлашган жамият ва демократик давлатни ижтимоий, ҳуқуқий, иқтисодий, маданий, маънавий-маърифий ривожлантиришда инновацион ғоялар тизимини шакллантириш ва уларни амалга ошириш йўллари” устувор йўналишларига мувофиқ бажарилган.

Муаммонинг ўрганилганлик даражаси. Тадқиқот доирасида ўрганилган адабиётларни шартли равишда уч гуруҳга: собиқ иттифоқ даври, мустақиллик давридаги ва хориж нашрларига бўлиш мақсадга мувофиқдир.

Биринчи гуруҳ адабиётларида собиқ иттифоқ даврида яратилган илмий асарларда республика, шу жумладан, Фарғона водийсининг ижтимоий-иқтисодий ривожланиши, демографик жараёнлари ҳақида маълумотлар берилган. Масалан, Ўзбекистондаги демографик жараёнлар ва унинг ўзига хос хусусиятлари географ, демограф ва иқтисодчилар томонидан ўрганилган². Шунингдек, бу даврда Фарғона водийсига хос хусусиятларни ёритишга бағишланган илмий изланишлар ҳам олиб борилган. Тадқиқотлардаги тарихий маълумотлар муҳим, бироқ уларнинг аксариятида собиқ иттифоқ мафкураси нуктаи назаридан бир томонлама ёндашилган, мавжуд камчилик ва муаммолар хусусида фикр юритилмаган бўлса-да, ҳудудларнинг мазкур даврдаги демографик вазияти ҳақида тасаввурга эга бўлиш ҳамда ҳозирги кун билан солиштириш, қиёсий таққослаш имконини беради.

Иккинчи гуруҳга мустақиллик йилларида чоп этилган ишлар киритилган

² Аҳмедов Э., Файзиев Н. Дунё аҳолиси ва инсоният келажаги. – Тошкент, 1969. – 39 б.; Ата-Мирзаев О., Катанов И. Фарғона водийси шаҳарлари (демография тўғрисида баъзи фикрлар). – Тошкент, 1970. – 32 б. Аҳмедов А. Наманган областининг бугуни ва эртаси. – Тошкент, 1974. – 15 б.; Убайдуллаева Р. Ўзбекистон аҳолиси ва меҳнат ресурслари. – Тошкент: Ўзбекистон, 1977. – 30 б. Муллажонов И. Демографическое развитие Узбекской ССР. – Ташкент, 1983. – 278 с.; Караханов М., Қаямов А. Ўзбекистоннинг демографик ва аҳоли географияси. – Тошкент, Ўзбекистон, 1984. – 32 б. Алиакберова Н. М., Гольдфарб Н., Эргашев А. Размещение населения Ферганской долины (демографический аспект). – Ташкент, Фан, 1990. – 49 с. Абдуллаев О. Фарғона водийси: ижтимоий-иқтисодий ривожланиш жараёнлари. – Наманган, “ Наманган”, 2000. – 291 б.

бўлиб, улар манбаларга бойлиги, илмий жиҳатдан чуқур таҳлили билан алоҳида ажралиб туради. Ўзбекистонда демографик жараёнлар ва аҳолишунослик масалалари билан шу пайтга қадар иқтисодчи³, географ⁴, этнограф⁵ ва демографлар⁶ шуғулланиб келганлар. Масалан, мазкур тадқиқотларда республика аҳолиси миграцияси социологик тадқиқот материаллари асосида ёритиб берилган. Фарғона водийсидаги миграция ҳолати, аҳолининг зичлиги муаммолари ҳам қисман баён этилган. Шунингдек, водий шаҳарлари тўғрисида ҳам маълумотлар келтирилган⁷.

Сўнгги йилларда демографик вазият ва у билан боғлиқ масалалар тарихчилар⁸ томонидан ҳам алоҳида тадқиқ этилган. Ушбу илмий тадқиқотларда Ўзбекистонда демографик жараёнлар, аҳолининг ҳудудий жойлашуви ва миграцион жараёнлар, бағрикенглик тамойилининг тарихий жиҳатлари таҳлил этилган.

Республиканинг демографик муаммоларини тадқиқ этишга янги илмий-амалий ёндашув натижасида тадқиқотчиларнинг фанлараро ҳамкорлигининг ёрқин намунаси ҳисобланган тадқиқотларида⁹ республика аҳолиси сонининг ўсиш тенденцияси ва унинг ўзгариши, бандлик муаммолари ҳамда миллатлараро муносабатлар масаласига тарихийлик, демографик, социологик нуқтаи назаридан қаралган. Тадқиқот мавзуси бўйича алоҳида фундаментал тадқиқот яратилмаган бўлса-да, Фарғона водийси демографик жараёнлари, миллатлараро муносабатлар каби масалаларнинг баъзи томонлари ёритилган¹⁰. Бу диссертациялар XX асрнинг

³ Максакова Л. Миграция населения Республики Узбекистан. – Ташкент: Эльдинур, 2000. – 115 с.; Аҳмедов Э. Ўзбекистон шаҳарлари мустақиллик йилларида. – Тошкент: Ибн Сино номли нашриёт, 2002. – 224 б.

⁴ Салиев А. Проблемы расселения и урбанизации в республиках Средней Азии. – Ташкент: Фан, 1991. – 112 с.; Қаюмов А., Якубов Ў., Абдуллаев А. Аҳоли географияси ва демография асослари. – Тошкент: “Fan va texnologiya”, 2011. – 160 б. Қодиров Р. Фарғона минтақаси аҳолиси ва меҳнат ресурслари. – Тошкент: Navro’z, 2016. – 168 б.

⁵ Раҳматиллаев Х., Фарғона водийси аҳолисининг этнодинамикаси. (XIX аср охири - XX охири). – Тошкент: Yangi nashr, 2013. – 108 б.

⁶ Бўриева М. Ўзбекистонда оила демографияси. – Тошкент: Университет, 1997. – 183 б.; Тожиева З.Н. Ўзбекистон аҳолиси: ўсиши ва жойланиши. – Тошкент: Fan va texnologiya, 2010, 276 б.

⁷ Асқаров А. Энг қадимги шаҳар. – Тошкент: Маънавият, 2001. – 24 б.; Матбобоев Б., Шамсутдинов Р., Мамажонов А. Буюк ипак йўлидаги Фарғона шаҳарлари. – Андижон: 1994. – 25 б.; Мирзалиев Э. Наманган шаҳри тарихидан лавҳалар. – Наманган: 2010. – 110 б.; Шамсутдинов Р., Исҳоқов А. Андижон тарихидан лавҳалар. – Тошкент: Sharq, 2013. – 592 б.

⁸ Бобожонова Д. Ўзбекистонда миллатлараро муносабатлар ривожининг ижтимоий-иқтисодий омиллари. – Тошкент: Фан, 1994. – 24 б.; Ўша муаллиф. Ўзбекистонда демографик жараёнлар ва уларнинг хусусияти. – Тошкент: Фан, 1995. – 94 б.; Ўша муаллиф. Ўзбекистонда ижтимоий-иқтисодий муносабатлар. – Тошкент: Шарқ, 1999. – 160 б.; Муртазаева Р. Ўзбекистонда миллатлараро муносабатлар ва бағрикенглик. – Тошкент: Университет, 2007. – 184 б.; Ўша муаллиф. Толерантност как интегрирующий фактор в многонациональном Узбекистане. – Ташкент: Узбекистан, 2010.–152 с. Ўша муаллиф. Ўзбекистонда миллатлараро муносабатлар ва толерантлик. – Тошкент: “MUMTOZ SOZ”, 2019. – 404 б.

⁹ Ата-Мирзаев О., Гентшке В., Муртазаева Р., Салиев А. Историко-демографические очерки урбанизации Узбекистана. – Ташкент: Университет, 2002. – 125 с.; Ата-Мирзаев О., Гентшке В., Муртазаева Р. Межнациональная толерантность в Узбекистане: история и современность. –Ташкент: Университет, 2004. – 179 с.; Ата-Мирзаев О., Гентшке В., Муртазаева Р. Узбекистан многонациональный историко-демографический аспект. – Ташкент: Янги аср авлоди, 2011. – 252 с.

¹⁰ Абдуллаев Ш. Этносоциальные и этнополитические процессы в Ферганской долине. (Основные проблемы, тенденции и противоречия. 70-80-е годы XX в.) /Дисс. докт. ист. наук. – Ташкент, 1994. – 340 с.; Бобожонова Д. Ўзбекистонда миллатлараро муносабатларнинг ижтимоий-иқтисодий жиҳатлари (70-80 йилларнинг ўрталари) /Тарих фан. док. дисс. – Тошкент, 1998. – 294 б.; Мусаев О. Межнациональные отношения в Республике Узбекистан (1991-1997) /Автореф. дисс. канд. ист. наук. – Ташкент, 2000. – 28 с.; Раҳматуллаев Ш. Мустақиллик шароитида Фарғона водийси шаҳарларида ижтимоий-иқтисодий ўзгаришлар (1991-1996 йй.) /Тарих фан. ном. дисс. – Тошкент,

охирги чораги давомида республиканинг ижтимоий-иқтисодий ҳаётида юз берган тарихий ўзгаришлар ҳақидаги фикр ва тасаввурларни янада кенгайтириш имконини беради. Совет даврининг сўнгги ва мустақилликнинг дастлабки йиллари тарихий ўзгаришларининг демографик жараёнларга таъсири қиёсий таққосланган¹¹, Фарғона водийси аҳолисининг этник таркиби шаклланиши ва этномаданий муносабатлар тарихи очиб берилган тадқиқот ишлари ҳам мавжуд¹². Уларда Фарғона водийси вилоятларидаги ва демографик жараёнлар хусусида ҳам фикр юритилган, бироқ уларнинг миллатлараро муносабатларга таъсири масаласи ўрганилмаган.

Юқорида номи кайд этилган асарларда Фарғона водийси катта ва кичик шаҳарларига тавсиф билан бир қаторда, этник жараёнлар ва демографик ҳолат ҳақида маълумотлар берилган бўлсада, мустақиллик йилларида мазкур ҳудуд ларнинг ижтимоий-иқтисодий ривожланиш хусусиятлари тўла кўрсатиб берилмаган. Тадқиқот мавзуи бўйича махсус илмий тадқиқот иши олиб борилмаган, фақат мавзунинг айрим жиҳатларига қисман тегишли бўлган масалалар ёритилган, холос.

Учинчи гуруҳга тегишли адабиётларга хориж нашрлари киради. Хорижий тадқиқотларда¹³ совет давлати тарихининг сўнгги даврларига оид масалалар ёритилган. Мазкур ишларда жаҳондаги миграция, жараёнлари таҳлил этилган. Ушбу тадқиқотларда бевосита Ўзбекистондаги демографик жараёнларнинг миллатлараро муносабатларга таъсири масаласи яхлит ҳолда ўрганилмаган, бироқ дунё шаҳарларининг йириклашиб бориши ва бу жараённинг жаҳон иқтисодиётига таъсири асослаб берилган.

Умуман олганда, Ўзбекистонда демографик жараёнлар, аҳолишунослик масалаларини ўрганиш янги йўналиш бўлиб, кейинги даврда тарихчи олимлар ҳам тарихий нуқтаи назардан ўрганишга киришдилар. Бироқ, мавзу тарихшунослиги таҳлиliga кўра, ўтган йиллар давомида Фарғона водийсидаги демографик вазият ва унинг миллатлараро муносабатларга таъсири масаласи комплекс тарзда ўрганилмаган.

Диссертация мавзусининг диссертация бажарилган олий таълим муассасасининг илмий-тадқиқот ишлари режалари билан боғлиқлиги.

2000. – 200 б.; Юнусова Х. Ўзбекистонда миллатлараро муносабатлар ва маънавий жараёнлар (XX асрнинг 80-йиллари мисолида) /Тарих фан. докт. дисс. – Тошкент, 2009. – 296 б.; Бозоров О. XX асрнинг 80-йилларида Ўзбекистондаги миллатлараро муносабатлар тарихи /Тарих фан. фалсафа докт. (PhD) автореферати. – Тошкент: 2019. – 54 б.

¹¹ Исаков Б. Ўзбекистонда 80 – йилларнинг иккинчи ярми – 2000 йиллардаги тарихий ўзгаришларнинг демографик жараёнларга таъсири /Тарих фан. ном. дисс. автореферати. – Тошкент: 2010. – 32 б.; Хаджамуратова М. Фарғона водийсининг демографик тарихи (1991 – 2006 й) /Тарих фан. ном. дисс. автореферати. Тошкент: 2011. – 33 б.; Тўхтабоева Д. Фарғона водийсидаги урбанизация жараёнлари. – Тошкент: “TURON-IQBOL”, 2018. – 184 б.; Ўша муаллиф. Фарғона водийси вилоятларидаги кичик ва ўрта шаҳарларнинг ривожланиши: ўзгаришлар ва муаммолар (1991–2016 йй.) /Тарих фан. фалсафа докт. (PhD) дисс. автореферати. – Тошкент: 2019. – 44 б.

¹² Абдуллаев У., Валихонова Г. Фарғона водийси аҳолиси. – Тошкент: Наврўз, 2016. – 252 б. Валихонова Г. Фарғона водийси уйғурларида анъанавий ва замонавий этномаданий жараёнлар /Тарих фан. фалсафа докт. (PhD) дисс. автореферати. – Тошкент: 2018. – 54 б.

¹³ Friedman J., Wulf J. World city Formation: an agenda for research and action // International Journal of Urban and Regional Research, 1982. – P. 309-344.; Logan S. R., Molotch H. L. Urban Fortunes: The Political Economy of Place. – Berkeley. 1987. – 159 p.; Gottman J. Megapolis. <http://lib.socio.msu.ru>; 1991. – 24 p.; Sassen S. The Global City: New York, London, Tokyo. – Princeton: Princeton University Press, 1991. – 214 p.

Диссертация Андижон давлат университети илмий-тадқиқот ишлари режасига мувофиқ “Мустақиллик йилларида Ўзбекистонда сиёсий, ижтимоий-иқтисодий ва маданий ҳаёт” мавзуси доирасида бажарилган.

Тадқиқотнинг мақсади мустақиллик йилларида Андижон, Наманган ва Фарғона вилоятларидаги демографик ривожланишнинг миллатлараро муносабатларга таъсирини очиб беришдан иборат.

Тадқиқотнинг вазифаси:

мустақиллик йилларида Ўзбекистон, хусусан, Андижон, Наманган ва Фарғона вилоятлари аҳолисининг табиий кўпайишидаги ҳудудий тафовутлар, унга таъсир этувчи омиллар, демографик жараёнларнинг ижтимоий-иқтисодий ривожланишга таъсирини тадқиқ этиш;

Андижон, Наманган ва Фарғона вилоятларида демографик жараёнларнинг миллатлараро муносабатларга таъсири, аҳоли миллий таркибидаги ўзгаришлар, маҳаллий миллат вакиллари салмоғининг ортиб бориши, юқори табиий ўсиш ва ташқи миграция ва унинг аҳоли турмуш тарзига таъсирини очиб бериш;

аҳоли миллий таркибида маҳаллий миллат вакиллари салмоғи ортиб боришининг урбанизация жараёнларида ҳамда миллатлараро муносабатларда акс этишини таҳлил қилиш;

турли миллат вакилларининг ягона мақсад атрофида бирлашганлиги сабабли миллий ва умуминсоний муносабатларнинг имконияти тобора кенгайиб бораётганлиги Фарғона водийси аҳолисининг ўзаро ҳамжиҳатлигида акс этишини ва уларни ҳар томонлама қўллаб-қувватлаш борасидаги ижтимоий ислохотларнинг туб моҳиятини очиб бериш;

республикадаги ижтимоий-иқтисодий ўзгаришлар, мулкнинг давлат тасарруфидан чиқарилиши, хусусийлаштириш жараёнининг бошланиши, унинг эркин рақобатга асосланиши, кам таъминланган оилаларнинг ижтимоий ҳимоя қилинишининг Фарғона водийси вилоятлари аҳолиси турмуш даражасига таъсирини кўрсатиб бериш;

ўрганилган масалалар юзасидан илмий-амалий таклиф ва тавсиялар ишлаб чиқиш.

Тадқиқотнинг объектини Андижон, Наманган ва Фарғона вилоятларида кечган демографик жараёнлар, аҳолининг миллий-этник таркибидаги ўзгаришлар ва миллатлараро муносабатлар ташкил этади.

Тадқиқотнинг предметини Андижон, Наманган ва Фарғона вилоятларининг демографик ҳолати, миграция ва миллатлараро муносабатлар жараёни ташкил этади.

Тадқиқотнинг усуллари. Диссертацияда тарихий-таққослаш, қиёсий таҳлил, статистик, баланс каби тадқиқот усулларидан фойдаланилди.

Тадқиқотнинг илмий янгилиги қуйидагилардан иборат:

собик иттифоқ даврида Ўзбекистонга депортация қилинган миллат вакилларининг мустақиллик йилларида тарихий ватанларига ихтиёрий қайтиб кетиши Фарғона водийси демографик вазиятига кескин ижтимоий таъсир кўрсатмагани ҳолда, юқори малакали мутахассисларнинг камайиши, маҳаллий миллат вакиллари орасида шаҳарлашув тенденциясининг

фаоллашувига олиб келганлиги очиб берилган;

Андижон, Наманган ва Фарғона вилоятларида этнопсихологик вазиятнинг аҳоли ўсиши камайишига, жумладан, кўп болаликдан ўрта ва кам болаликнинг қарор топишига, турли миллат вакиллари ўртасида ўзаро никоҳ муносабатларининг кўпайишига, ташқи миграциядаги маҳаллий миллат вакиллари ҳисобига этник аралаш оилалар сонининг ортиб боришига таъсири аниқланган;

давлат сиёсати устуворлиги асосида жамиятда миллатлараро тотувлик ва бағрикенгликнинг таъминланганлиги, кўп миллатли ягона оила туйғусининг мустаҳкамланганлиги, халқаро ва минтақавий муносабатларда давом этаётган глобаллашув ва трансформация жараёнида республиканинг обрў-эътибори ва имижиси ошганлиги сабабли миллий ва умуминсоний муносабатларнинг имконияти тобора кенгайиб бораётганлиги Фарғона водийсидаги турли миллат вакиллариининг ўзаро ҳамжиҳатлигига замин яратаётгани асосланган.

ижтимоий-иқтисодий ўзгаришлар, мулкнинг давлат тасарруфидан чиқарилиши, унинг эркин рақобатга асосланиши шароитида ижтимоий ҳимоя борасидаги чора-тадбирлар Фарғона водийси аҳолисининг даромадлар миқдори бўйича катта фарқ билан табақаланишининг олдини олганлиги, бу борадаги давлат ижтимоий сиёсати натижасида аҳоли турмуш даражасини кўтаришга, унинг фаровонлигини оширишга эришилганлиги далилланган.

Тадқиқотнинг амалий натижалари қуйидагилардан иборат:

Андижон, Наманган ва Фарғона вилоятларида аҳоли туғилиши, ўлим, никоҳ, ажралиш, миграция каби демографик вазиятнинг ўзига хос хусусиятлари мавжудлиги, водий аҳолисининг табиий кўпайишидаги ҳудудий фарқлар, унга таъсир этувчи омиллар, демографик жараёнларнинг республика ижтимоий-иқтисодий ривожланишига таъсири аниқланган;

республикадаги ижтимоий-иқтисодий ўзгаришлар, хусусийлаштириш жараёнининг бошланиши, унинг эркин рақобатга асосланиши, кам таъминланган оилаларнинг ижтимоий ҳимоя қилинишининг Фарғона водийси вилоятлари аҳолиси турмуш даражасига таъсири кўрсатиб берилган.

Тадқиқот натижаларининг ишончлилиги диссертация Ўзбекистон Республикаси Давлат статистика қўмитаси маълумотлари, архив ҳужжатлари ва материаллари каби бирламчи манбаларга асосланганлиги, илмий хулоса, таклиф ва тавсиялар амалиётда жорий этилгани ва олинган натижаларнинг ваколатли ташкилотлар томонидан тасдиқланганлиги билан изоҳланади.

Тадқиқот натижаларининг илмий ва амалий аҳамияти. Тадқиқот натижаларининг илмий аҳамияти Андижон, Наманган ва Фарғона вилоятларида аҳоли ўсиши ижтимоий-иқтисодий, кўп болаликдан ўрта ва кам болаликка ўтиш каби этнопсихологик омиллар таъсирида секинлашгани, туб миллат вакиллариининг консолидациялашуви ҳамда ташқи миграциядаги маҳаллий миллат вакиллари ҳисобига этник аралаш оилалар сонининг ортиб бориши бўйича олинган натижа ва чиқарилган хулосалар миллатлараро муносабатлар ва демографик ривожланишига оид тарихий билимларни бойитишга хизмат қилиши билан белгиланади.

Тадқиқот натижаларининг амалий аҳамияти шундаки, Фарғона водийсидаги демографик жараёнлар ва уларнинг миллатлараро муносабатларга таъсирига доир маълумотлардан ва илмий хулосалардан таълимнинг турли босқичларида ўқитилаётган Ўзбекистон тарихи, аҳолишунослик, иқтисод фанларидан дарслик, ўқув қўлланма, услубий тавсиялар тайёрлашда кенг фойдаланиш мумкин.

Тадқиқот натижаларининг жорий қилиниши. Андижон, Наманган ва Фарғона вилоятларидаги демографик ҳолатни ўрганиш бўйича тадқиқот натижалари, хулоса ва таклифлар асосида:

вилоятлардаги миллий-маданий марказлар фаолиятида аҳолининг табиий ўсиш динамикаси ва миграция тенденцияларига оид маълумотлардан замонавий демографик-трансформацион жараёнларнинг хусусиятини ўрганишда фойдаланилган (Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси ҳузуридаги Миллатлараро муносабатлар ва хорижий мамлакатлар билан дўстлик алоқалари кўмитасининг 2019 йил 19 февралдаги 01-09-271-сон маълумотномаси). Илмий натижаларнинг жорий этилиши Миллий -маданий марказларнинг Андижон, Наманган ва Фарғона вилоятларидаги демографик жараёнлар билан боғлиқ ҳудудий муаммоларнинг олдини олиш борасидаги фаолиятини такомиллаштиришга хизмат қилган;

Андижон, Наманган ва Фарғона вилоятлари аҳолиси миллий таркибидаги ўзгаришлар, туб жой аҳоли салмоғининг ортиб бориши ва аҳоли миграциясининг халқаро миқёсда фаоллашишига оид материаллардан Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси ҳузуридаги Нодавлат нотижорат ташкилотлари ва фуқаролик жамиятининг бошқа институтларини қўллаб-қувватлаш Жамоат фонди томонидан ажратилган “Ўзбекистон – тинчлик, барқарорлик, эзгулик ва хотиржамлик диёри!” мавзусидаги 44-13/94 рақамли амалий лойиҳасида фойдаланилган (Ўзбекистон Республикаси Олий ва ўрта махсус таълим вазирлигининг 2018 йил 16 августдаги 89-03-2871-сон маълумотномаси). Илмий хулосалар Ўзбекистонда тинчлик ва осойишталикни сақлаш, миллатлараро ва фуқаролар тотувлигини мустаҳкамлаш, бу борада амалга оширилаётган изчил чора-тадбирлардан кенг жамоатчиликни хабардор қилиш ва ёшларда миллий тотувлик ҳамда “Ягона Ватан” туйғусини шакллантиришга хизмат қилган;

водий вилоятларидаги демографик вазиятга хос бўлган аҳоли сонининг табиий ва механик ўсиши, миллий таркибидаги ўзгаришлар ва уларнинг миллатлараро муносабатларга таъсири бўйича олинган илмий хулосалардан Андижон вилоят тарихи ва маданияти давлат музейининг “Мустақиллик йилларида Андижон” номли экспозициясини яратишда фойдаланилган (Ўзбекистон Республикаси Маданият вазирлигининг 2018 йил 1 ноябрдаги 7612-сон маълумотномаси). Илмий натижалар водийдаги демографик жараёнларнинг миллатлараро муносабатларга таъсири моҳиятини очиб беришга хизмат қилган;

аҳолининг ижтимоий-иқтисодий турмуш тарзини яхшилаш, диний бағрикенглик ва толерантлик, барча миллат ва халқларнинг тенг ҳуқуқлилиги каби тамойилларнинг ҳаётга татбиқ этилишига доир таклиф ва тавсиялардан

“Баркамол ёшлар – кўп миллатли Ўзбекистон келажаги!” шиори остидаги тарғибот тадбирлардан турли миллатларга хос тарихий кадриятлар, урф-одатлар ва миллий тарбия анъаналарини асраб авайлаш ҳамда кенг аҳоли қатламларига тарғиб этишда фойдаланилган (Ўзбекистон Ёшлар иттифоқи Марказий Кенгашининг 2018 йил 10 ноябрдаги 04-13/5842-сон маълумотномаси). Натижаларнинг татбиқ этилиши оммавий маданиятнинг ёшлар орасида салбий таъсирини олдини олишга, миллий ва умуминсоний кадриятларга хурмат руҳини шакллантиришга, шунингдек, ёшлар ўртасида бағрикенглик, миллатлараро тотувликни мустаҳкамлашга хизмат қилган;

Андижон, Наманган ва Фарғона вилоятларидаги демографик ҳолатнинг ўзига хос жиҳатларига доир тадқиқот натижалари, хулоса ва таклифларидан “O’zbekiston 24” телерадиоканалида 2018 йил 19 мартда эфирга узатилган “Олтин ҳалқа”, 2018 йил 25 апрель куни намойиш этилган “Ўзбекистон – умумий уйимиз” кўрсатувлари сценарийларини ишлаб чиқишда фойдаланилган (“O’zbekiston 24” телерадиоканалининг 2018 йил 4 июлдаги 01-09-686-сон маълумотномаси). Тақдим этилган материаллар кўп сонли аҳолининг мамлакатимиздаги турли миллат ва элатларнинг ўзаро дўстона муносабатлари, уларнинг миллий кадриятлари ҳақида кенг маълумотга эга бўлишларига хизмат қилган.

Тадқиқот натижаларининг апробацияси. Мазкур тадқиқот натижалари 8 та халқаро ва 16 та республика илмий-амалий анжуманларида апробациядан ўтказилган.

Натижаларнинг эълон қилинганлиги. Диссертация мавзуси бўйича жами 31 та илмий иш чоп этилган. Жумладан, Ўзбекистон Республикаси Олий аттестация комиссиясининг докторлик диссертациялари илмий натижаларини чоп этиш тавсия этилган илмий нашрларда 7 та мақола (улардан 5 таси республика ва 2 таси хорижий журналларда) нашр этилган.

Диссертациянинг тузилиши ва ҳажми. Тадқиқот кириш, учта боб, хулоса, фойдаланилган адабиётлар рўйхати ва иловалардан иборат. Диссертациянинг тадқиқот қисми 126 бетни ташкил этади.

ДИССЕРТАЦИЯНИНГ АСОСИЙ МАЗМУНИ

Кириш қисмида танланган мавзунинг долзарблиги ва зарурати асосланган, тадқиқотнинг мақсад ва вазифалари, объекти ва предмети тавсифланган, ишнинг илмий янгилиги ва амалий аҳамияти кўрсатилган, тадқиқот натижаларининг амалиётга жорий қилиниши, апробацияси, эълон қилинган ишлар ва диссертация тузилиши бўйича маълумотлар келтирилган.

Диссертациянинг **“Мустақил Ўзбекистон ижтимоий ҳаётидаги ўзгаришларнинг демографик жараёнларга таъсири”** деб номланган I бобида мустақиллик даврида республикадаги ижтимоий-иқтисодий вазият ва бу ўзгаришларнинг Андижон, Наманган ва Фарғона вилоятлари аҳолиси турмуш тарзида акс этиши, аҳоли табиий кўпайишидаги ҳудудий тафовутлар баён этилган.

Ўзбекистон иқтисодий салоҳиятининг ўсиши, аҳолининг турмуш

даражаси ва сифатини ошиши, аввало, мамлакат ҳудудларининг комплекс ва изчил ривожлантириш билан боғлиқдир. Республиканинг ўзига хос хусусиятидан келиб чиқиб, олимлар уни 6 та маъмурий-ҳудудий бирликка ажратганлар, Фарғона (Андижон, Наманган, Фарғона вилоятлари) минтақаси шулар жумласидандир¹⁴. Бу минтақа ер майдони нисбатан кичик, айти пайтда, табиий шароити қулай, бу ҳолат водий аҳолиси сони ортишига таъсир кўрсатди ва аҳоли зичлиги 1 км² га 487 кишидан ортиб кетди¹⁵.

Андижон, Фарғона ва Наманган вилоятлари маъмурий-ҳудудий бўлинишига кўра, 40 та туман, 28 та шаҳар ва 395 та шаҳарчадан иборат¹⁶. Водий ижтимоий-иқтисодий тараққиётида шаҳарлар муҳим ўрин тутди. Бу ерда урбанизация даражаси бўйича Наманган вилояти олдинда туради (63,4 фоиз), Фарғона вилояти ўрта (57,0 фоиз), Андижон вилояти (52,5 фоиз) эса қуйи ўринни банд этган¹⁷. Шу ўринда Фарғона минтақаси Ўзбекистон бўйича энг юқори даражада урбанизациялашган ҳудуд эканлигини ҳам алоҳида таъкидлаб ўтиш лозим.

Тарихан Ўзбекистон ўзига хос туғилиш даражаси ва аҳолининг табиий ўсиши юқори бўлган мамлакатлар жумласига киради. Масалан, 1991 йили республика аҳолиси сони 20607,7 мингга тенг бўлган бўлса¹⁸, 2016 йилда бу кўрсаткич 32120,5 минг кишидан ортиб кетди¹⁹. Аҳоли орасида серфарзандликка мойил бўлган ўзбеклар ва маҳаллий миллат вакилларининг кўпчиликини ташкил этиши, халқимизнинг никоҳни муқаддас деб ҳисоблаши ва оила қуриб, фарзанд кўришга интилиши ўзбек оилаларида туғилишнинг юқори даражада сақланиб қолишига олиб келувчи омиллардандир²⁰.

Аҳоли сони, кўпайиши ва туғилиш, ўлим, никоҳ, ажралиш, миграцион ҳаракат каби демографик жараёнларнинг турли жиҳатларини ҳам инобатга олиш талаб этилади. Чунончи, республика ҳудудлари мураккаб ижтимоий-иқтисодий тизимлардан ташкил топган бўлиб, бу жараён аҳолининг демографик вазиятида бевосита кўзга ташланади.

Фарғона минтақаси аҳоли ва меҳнат ресурсларига бойлиги билан бошқа минтақалардан ажралиб туради. 1991 йилда Фарғона минтақасида 5555,4 минг нафар аҳоли яшаган²¹ бўлса, 2016 йилга келиб аҳоли сони 9019,2 минг кишига тенг бўлди²². Аҳоли кўп ва зич жойлашган бу минтақада жами республика аҳолисининг 28,6 фоизи истиқомат қилмоқда²³. Фарғона минтақасида аҳоли кўп ва зич жойлашган бўлиб, энг юқори ўсиш суръати Наманган вилоятида 3,78 фоизга тенг бўлса, бу кўрсаткич Фарғона вилоятида

¹⁴ Қодиров Р. Фарғона минтақаси аҳолиси ва меҳнат ресурслари. – Тошкент: Navro'z, 2016. – Б.24.

¹⁵ Ўзбекистон демографик йиллик тўплами. Статистик тўплам. – Тошкент., 2016.– Б.103.

¹⁶ Статистический ежегодник Республики Узбекистан 2010-2016 гг. Государственный Комитет Республики Узбекистан по статистике. – Ташкент, 2017. – Б. 25.

¹⁷ Қодиров Р. Фарғона минтақаси аҳолиси ва меҳнат ресурслари. – Тошкент: Navro'z, 2016. – Б.141.

¹⁸ Численность населения Узбекистана. Статистический сборник.–Ташкент. 2007.–С. 58.

¹⁹ Социальное развитие и уровень жизни в Узбекистане. Статистический сборник. – Ташкент, 2017. – Б. 16.

²⁰ Бобожоннова Д. Ўзбекистонда ижтимоий-иқтисодий муносабатлар (70-80-йиллар мисолида).-Тошкент: Шарқ, 1999. -122 б.

²¹ Андижон, Наманган, Фарғона вилоятлари Статистика бошқармаси маълумотлари.

²² Статистический ежегодник Республики Узбекистан 2010-2016 гг. Государственный Комитет Республики Узбекистан по статистике. – Ташкент, 2017. – Б. 25.

²³ Численность населения Узбекистана. Госкомстат Узбекистана. Стат. сбор.–Ташкент, 2017. –С.58.

энг паст бўлиб, 2,85 фоизни ташкил этди.

Республикада майдони энг кичик бўлган Андижон вилоятида 1991 йилда 1789 минг нафар аҳоли истиқомат қилган. Бу ерда аҳоли зичлиги 1-ўринда бўлиб, 1 кв.км.га 491 киши тўғри келган²⁴. Ҳар йили ўртача 57 мингта бола туғилиб, уларнинг 38 мингтаси қишлоқ жойларига тўғри келган. Аҳолининг йиллик ўртача ўсиши 45 минг кишини ташкил этган²⁵. 2016 йилда Андижон вилояти аҳолиси сони 2962, 5 минг нафарга етди. Аҳоли зичлиги эса 1 км² га 689,0 киши тўғри келган.

Наманган вилоятининг аҳолиси 1991 йилда 1551,8 нафарга тенг бўлган. Аҳоли зичлиги 1 км² га 208,6 киши тўғри келган, 2016 йилда эса вилоят аҳолиси сони 2652,4 минг нафарга етди. Аҳоли зичлиги 1 км² га 349,9 киши дан иборат бўлган²⁶.

Фарғона вилояти аҳолиси 1991 йилда 2 214,6 нафарга тенг бўлган²⁷. Аҳоли зичлиги 1 кв.км.га 327,6 киши тўғри келган. 2016 йилга келиб аҳоли сони 3564,8 нафарни ташкил этган²⁸. Аҳоли зичлиги 1 км.га 527,3 кишига тенг бўлди²⁹.

Минтақа вилоятлари аҳоли сонига кўра мамлакат ҳудудлари орасида етакчи ўринларни эгаллаган. Масалан, республика вилоятлари орасида Фарғона вилояти иккинчи, Андижон вилояти тўртинчи ва Наманган вилояти олтинчи ўринни эгаллайди.

Минтақа аҳолиси 2000 – 2016 йиллар мобайнида 7016,4 минг кишидан 9019,2 минг кишига етди. Аҳоли сони миқдор жиҳатдан кўпайган бўлсада, ўсиш суръати 2,8 фоизга тенг бўлди³⁰. Хусусан, Андижон (24,1 %) ва Наманган (24,0 %) вилоятларида туғилиш бир оз юқори ва Фарғона вилоятида паст (22,8 фоиз) эканлиги характерлидир³¹. Чунончи, минтақа шаҳар ва туманларида табиий ўсиш деярли бир хил, улар орасида катта тафовут йўқ даражада.

2016 йил 1 январь ҳолатига кўра, ўлим коэффиценти республикада 4,9 фоизга тенг бўлган бўлса, бу кўрсаткич Фарғона вилоятида (5,5 %) ва Андижон вилоятида (5,2 %) нисбатан юқори, Наманган вилоятида эса (4,7 %), аксинча, паст бўлди³².

Аҳоли динамикасидаги бундай фарқлар биринчи навбатда аҳолининг миллий таркиби, ташқи миграция ва урбанизация билан чамбарчас боғлиқ³³. Ушбу минтақада шаҳар аҳолиси 2291,7 минг нафар бўлиб, урбанизация даражаси 31,1 фоизни ташкил этган (Андижон вилоятида 29,4 фоиз, Наманган вилоятида 37,2 фоиз, Фарғона вилоятида 28,1 фоиз). Водийда бир

²⁴ Ўзбекистон Республикаси Президент Администрацияси архиви Андижон вилояти бўлими (бундан кейин ЎзР ПАА АББ), 4141-фонд, 11-рўйхат, 116-жилд, 8-варақ.

²⁵ ЎзР ПАА АББ, 4141-фонд, 11-рўйхат, 116-жилд, 3-варақ.

²⁶ Социальное развитие и уровень жизни в Узбекистане. Статистический сборник. – Ташкент, 2017. – Б. 25.

²⁷ Фарғона вилояти Статистика бошқармаси 2016 йилдаги маълумоти.

²⁸ Социальное развитие и уровень жизни в Узбекистане. Статистический сборник. – Ташкент, 2017. – Б. 25.

²⁹ Фарғона вилояти Статистика бошқармаси 2016 йилдаги маълумоти.

³⁰ Ўзбекистонда ижтимоий ривожланиш ва турмуш даражаси. – Тошкент, 2017. – Б. 41 - 46.

³¹ Ўзбекистон демографик йиллик тўплами. Статистик тўплам. – Тошкент, 2016. – Б. 103 - 104.

³² Ўша манба. – Б.117-118.

³³ Қодиров Р. Фарғона минтақаси аҳолиси ва меҳнат ресурслари. – Тошкент: Navro'z, 2016. – Б. 40.

кв.км.га 397,7 киши тўғри келган³⁴. 2001 йилда Андижон вилоятида аҳоли сони 2221,8 минг кишига, қишлоқ аҳолиси 1553,9 минг кишига, яъни 69,9 фоизга, шаҳар аҳолиси эса 667 минг киши, яъни 30,1 фоизга тенг бўлган³⁵.

Республикада 2016 йилга келиб, аҳолиси 3 миллиондан ортиқ бўлган ҳудудлар сони учтага етди. Булар—Самарқанд, Фарғона ва Қашқадарё вилоятларидир. Ваҳоланки, 1991 – 2000 йилларда бирорта ҳам вилоят 3 млн.дан ортиқ аҳолига эга эмасди. Жумладан, Фарғона вилоятида 1992 йилда аҳоли сони 2270,4 мингга тенг бўлган, 2001 йилда эса, 2697,5 мингни ташкил этган³⁶. Андижон ва Наманган вилоятларида аҳоли 2 млн.дан ортган³⁷.

Аҳоли ўсиш суръатлари кейинги йилларда янада яққолроқ кўзга ташланади. Наманган ва Фарғона вилоятлари аҳолиси кўпайгани ҳолда бошқа минтақаларда ҳам бундай ҳолат кўзга ташланади. Вилоятлар бўйича Фарғона вилояти аҳолисининг ўсиши республика кўрсаткичидан паст бўлган.

Водий туманларидаги кўрсаткичлар ҳам ўзига хос. Масалан, Шаҳрихон тумани аҳолиси водий бўйича энг кўп мужассамлашган ҳудуддир. Кейинги ўрин Чуст, Андижон туманларига тўғри келган. Бундан ташқари, Қува, Асака, Избоскан, Ўзбекистон туманларида ҳам аҳоли сони нисбатан юқори бўлган. Улуғнор, Бўз, Сўх туманлари эса аҳоли сони бўйича охириги ўринларни эгаллаган. Хўжаобод, Фурқат, Мингбулоқ туманларини ҳам аҳоли сони нисбатан кам ҳудудлар таркибига киритиш мумкин. Қолган ҳудудлардаги аҳоли сони водий бўйича ўртача даражага эга бўлган³⁸.

Фарғона водийси ижтимоий-иқтисодий ҳаётидаги ўзгаришлар аҳоли турмуш тарзи ва умуман демографик жараёнларга ҳам ўз таъсирини ўтказган. Водийда туғилиш ва табиий ўсиш кўрсаткичлари Наманган вилоятида энг юқори, Фарғона вилоятида эса аксинча, паст, Андижон вилояти ўртача ўринларни банд этиб келган. Зеро, келгусида табиий ўсиш суръатига боғлиқ ҳолда аҳоли сони ўсиб борса-да, унинг динамикасида жиддий ўзгаришлар содир бўлмайди, яъни у мўътадил тадрижий равишда ўсиб боради.

“Демографик вазиятнинг ўзгариши ва миллатлараро муносабатлар” деб номланган II бобда Фарғона водийсида демографик ўзгаришларнинг миллатлараро муносабатларга таъсири, аҳоли динамикаси ва миллий таркибидаги ўзгаришлар таҳлил этилган.

Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2017 йил 19 майдаги “Миллатлараро муносабатлар ва хорижий мамлакатлар билан дўстлик алоқаларини янада такомиллаштириш чора-тадбирлари тўғрисида” Фармони асосида Миллатлараро муносабатлар ва хорижий мамлакатлар билан дўстлик алоқалари кўмитаси ташкил этилди³⁹. Кўмита зиммасига жамиятда миллатлараро тотувлик ва бағрикенгликни таъминлаш, тинчликсевар сиёсатни, эришилган ютуқларни кенг тарғиб қилиш, чет элдаги ўзбек

³⁴ Численность населения Узбекистана. Статистический сборник . – Ташкент, 2007. – С. 58.

³⁵ ЎзР ПАА, 975-фонд, 19-рўйхат, 574-иш, 21-варак.

³⁶ ЎзР ПАА, 975-фонд, 19-рўйхат, 305-иш, 80-варак.

³⁷ Численность населения Узбекистана. Госкомстат Узбекистана. –Ташкент, 2007. – С.58.

³⁸ Андижон, Наманган, Фарғона вилоятлари Статистика бошқармалари маълумоти.

³⁹ Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2017 йил 19 майдаги 4957-сонли “Миллатлараро муносабатлар ва хорижий мамлакатлар билан дўстлик алоқаларини янада такомиллаштириш чора-тадбирлари тўғрисида”ги Фармони // http://lex.uz/pages/getpage.aspx?lact_id=3210345

диаспоралари билан дўстликни мустаҳкамлашга доир давлат сиёсатини амалга ошириш вазифаси юклатилди. Ҳукм сураётган миллатлар ва фуқаролар тотувлиги, ўзаро ҳурмат ва меҳр-оқибат муҳитини сақлаш ҳамда мустаҳкамлаш, ниҳоятда муҳим. Зеро, юртимизда виждон ва эътиқод эркинлиги, турли миллат вакилларининг ҳуқуқлари кенг қафолатланиб, диний бағрикенглик муҳити тобора мустаҳкамланиб бормоқда.

1991 йили республика аҳолиси 20607,7 мингга тенг бўлган бўлса⁴⁰, 2019 йил 1 апрель ҳолатида бу кўрсаткич 33,3 млн кишидан ортиб кетди⁴¹. Мустақилликнинг дастлабки давриданок бағрикенглик ва миллатлараро тотувликка қаратилган давлат сиёсати олиб борилмоқда. Бу сиёсат турли миллат вакиллариغا Ўзбекистонда эмин-эркин яшаш учун кенг шароитлар яратиб бермоқда. Бунини Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси томонидан 1992 йил 13 январда Республика Байналмилал маданий маркази ташкил этилганлигида кўриш мумкин⁴². Бу даврда республикада 136 миллат ва элат вакилларидан иборат аҳолининг 78,0 фоизини ўзбеклар ва 22,0 фоизини бошқа миллат вакиллари ташкил этган⁴³. Улар юртимизда тинчлик ва осойишталикни сақлаш, Ватанимизни янада раванқ топтириш, унинг халқаро майдондаги обрў-эътиборини ошириш мақсадида ўзларининг фидокорона меҳнати билан муносиб ҳисса қўшиб келмоқда.

Жамиятда соғлом турмуш тарзи, миллатлараро тотувлик, ўзаро меҳр-оқибат муҳитини янада мустаҳкамлаш ҳамда миллий қадриятларни асраб-авайлаш, ёш авлод қалби ва онгига Ватан туйғусини сингдиришни вазифа қилиб олган Фарғона водийси вилоятларида ҳам миллий-маданий марказлар фаолиятини мувофиқлаштириш ва янада ривожлантириш мақсадида олиб борилган ишлар ўз самарасини бермоқда⁴⁴. Жумладан, Андижон вилоятида 5 та, хусусан, уйғур, корейс, арман, қирғиз ва рус миллий маданий марказлари таъсис этилган⁴⁵. Бу марказлар жамиятимизда дўстлик-тотувлик, тинчлик ва осойишталикни мустаҳкамлашда муҳим роль ўйнамоқда.

Уйғур миллий-маданий маркази Ўзбекистонда 1989 йилда ташкил топган бўлиб, Адлия бошқармаси томонидан ўша йили октябрь ойида 078-сонли гувоҳнома билан рўйхатдан ўтган. Марказ ўз олдида уйғур миллатига мансуб аҳолини ҳар томонлама қўллаб-қувватлаш, тили ва маданиятини сақлаш борасида маданий-маърифий тадбирлар ўтказиш вазифасини қўйган. Шунга кўра, марказ ташаббуси билан “Ўзбекистон – умумий уйимиз” шиори остида кўплаб маънавий-маърифий тадбирлар ўтказилиб келинган⁴⁶.

1995 йил ташкил топган қирғизлар диаспораси Адлия бошқармаси томонидан 1996 йил 7 июнда 63-сонли гувоҳнома билан рўйхатдан ўтказилган. Андижонда қирғизлар Қирғизистонга чегарадош Булоқбоши, Хўжаобод, Жалақудуқ, Қўрғонтепа, Марҳамат, Пахтаобод туманлари ҳамда

⁴⁰ Численность населения Узбекистана. Статистический сборник. – Ташкент. 2007. – С. 58.

⁴¹ <https://kun.uz/12084474>

⁴² ЎЗР ПАА, 975-фонд, 30-рўйхат, 540-иш, 56-варак.

⁴³ ЎЗР ПАА, 975- фонд, 19 - рўйхат, 574 - иш, 56-варак.

⁴⁴ Ўзбекистон Республикаси Президент Администрацияси архиви Фарғона вилояти бўлими (бундан кейин ЎЗР ПАА ФВБ), 2048-фонд, 27-рўйхат, 2-иш, 14-варак.

⁴⁵ ЎЗР ПАА, 975-фонд, 30-рўйхат, 540-иш, 7-варак.

⁴⁶ ЎЗР ПАА, 975-фонд, 30-рўйхат, 540-иш, 69-варак.

Қорасув ва Хонобод шаҳарларида зич яшаб келмоқдалар. Ҳозирги кунда Андижон вилоятида қирғиз тилида ўқитиладиган 33 та умумтаълим мактаби, шундан, 9 таси қирғиз ва 24 таси ўзбек-қирғиз тиллари мактаблари ва республикада 1та қирғиз тилида ўқитиладиган мактаб-интернати мавжуд. 2000 йилга келиб, вилоят аҳолисининг миллий таркибида ўзбеклар 88,8 фоизни, қирғизлар эса, 3,8 фоизни ташкил этди⁴⁷. Қирғиз тилида эшиттириш ва кўрсатувлар вилоят телерадиокомпаниясида йўлга қўйилган. Шунингдек, Андижон давлат университетида қирғиз тили бўлими фаолият кўрсатади. 2005 йилда қирғиз миллатига мансуб аҳоли 4,2 фоизини ташкил қилди⁴⁸. Ҳозирда 102517 нафар қирғиз миллати аҳолиси истиқомат қилади⁴⁹.

Корейс миллий-маданий маркази 1992 йил ташкил топган, 1997 йил 11 ноябрда 45-сонли гувоҳнома билан давлат рўйхатидан ўтказилган⁵⁰. Андижон вилоятида корейс миллатига мансуб аҳоли сони 1465 нафар бўлиб, улар аҳолининг 0,06 фоизини ташкил қилган. Марказ ташаббуси билан корейсларнинг “Чусок” миллий байрами мунтазам ўтказилади⁵¹.

Андижон вилояти арман миллий-маданий маркази 1994 йилда ташкил топган, 1994 йил 12 ноябрь куни 16-сонли гувоҳнома билан рўйхатдан ўтган. Вилоятда арман миллатига мансуб аҳоли 2005 йилда 774 нафарни ташкил қилган бўлса⁵², 2017 йилга келиб, 560 кишини ташкил этди⁵³.

Рус миллий маданий маркази 1998 йилда ташкил топган. 1998 йил 14 июлда давлат рўйхатидан ўтган. Андижон вилоятида рус миллатига мансуб аҳоли 12677 нафарни ташкил қилган⁵⁴. 2000 йилга келиб рус миллатига мансуб аҳоли 2,0 фоизни ташкил этди. 2013 йилда вилоятда 5 та рус ва 42 та ўзбек-рус тилларида таълим олиб бориладиган мактаблар мавжуд эди⁵⁵. Андижон вилоят ҳокимлиги томонидан миллий-маданий марказлар фаолияти доимий қўллаб-қувватлаб келинмоқда. Марказлар фаолиятини янада ривожлантириш, миллатлараро дўстлик ва ҳамжиҳатликни кучайтириш мақсадида “Дўстлик уйи” ташкил этилган.

Фарғона вилоятида 7 та, жумладан немис, корейс, қирғиз, яҳудий, татар, тожик ва славян миллий маданий марказлари фаолият олиб бормоқда⁵⁶. Корейс миллий-маданий маркази Адлия бошқармаси томонидан 1993 йил 28 декабрда 08-сонли гувоҳнома билан рўйхатдан ўтган⁵⁷. 1991 йилда корейс диаспорасига мансуб аҳоли 7939 нафарни ташкил этган, 2016 йилда улар сони 5932 нафарга тенг бўлди. Немис миллий-маданий маркази Фарғона вилояти Адлия бошқармаси томонидан 1995 йил 14 октябрда рўйхатдан ўтган. 1991 йилда вилоятда немислар 1620 нафарни ташкил этган. Улар

⁴⁷ Шамсутдинов Р., Исҳоқов А. Андижон тарихидан лавҳалар. –Тошкент: “Sharq”, 2013. –Б.562.

⁴⁸ ЎзР ПАА, 975-фонд, 30-рўйхат, 540-иш, 70-варақ.

⁴⁹ Андижон вилояти ҳокимлиги диний ишлар бўлими жорий архивининг 2018 йил 26 октябрдаги маълумоти.

⁵⁰ ЎзР ПАА, 975-фонд, 30-рўйхат, 540-иш, 70 – варақ.

⁵¹ ЎзР ПАА, 975-фонд, 30-рўйхат, 802-иш, 275 – варақ.

⁵² ЎзР ПАА, 975-фонд, 30-рўйхат, 540-иш, 69-варақ.

⁵³ Андижон вилояти ҳокимлиги диний ишлар бўлими жорий архивининг 2018 йил 26 октябрдаги маълумоти.

⁵⁴ ЎзР ПАА, 975-фонд, 30-рўйхат, 540-иш, 71-варақ.

⁵⁵ Шамсутдинов Р., Исҳоқов А. Андижон тарихидан лавҳалар. –Тошкент: “Sharq”, 2013. –Б.562.

⁵⁶ ЎзР ПАА ФВБ, 2048-фонд, 27-рўйхат, 97-иш, 141-варақ.

⁵⁷ ЎзР ПАА, 975-фонд, 26-рўйхат, 540-иш, 130-варақ.

Фарғона, Марғилон, Қувасой ва Қўқонда истиқомат қилади⁵⁸.

1991 йилда Фарғона вилоятида қирғиз диаспорасига мансуб аҳоли 47561 нафар бўлган бўлса, 2016 йилга келиб, 69793 нафарни ташкил қилди⁵⁹. Қирғизлар диаспораси Қувасой, Фарғона ва Қўқон шаҳарлари ҳамда Олтиариқ, Тошлоқ, Ёзёвон ва Риштон туманларида зич жойлашган.

Яҳудий миллатига мансуб аҳоли вилоятда 1991 йилда 508 нафарни ва 2013 йилда 1932 нафарни ташкил қилди. Улар Қўқон, Фарғона ва Марғилон шаҳарларида зич жойлашган⁶⁰.

Фарғона вилоятида қрим татарлар 1991 йилда 27409 нафарни ташкил этган бўлса, бу кўрсаткич 2016 йилда 2719 нафарга тенг бўлди⁶¹. Улар асосан Фарғона, Қўқон, Марғилон ва Қувасой шаҳарлари ҳамда Тошлоқ, Олтиариқ, Ўзбекистон, Данғара, Ёзёвон ва Бувайда туманларида жойлашган⁶².

Фарғона вилоятида тожиклар 1991 йилда 126282 нафарни ташкил этган бўлса, улар сони 2016 йилда 205377 нафарни ташкил этди⁶³. Тожик диаспораси асосан Фарғона, Қўқон, Марғилон ва Қувасой шаҳарларида, Риштон, Сўх, Олтиариқ ва Тошлоқ туманларида ҳаёт кечиради⁶⁴.

1991 йилда Наманган вилоятида руслар 25151 нафарни, 2016 йилда эса 11960 нафарни ташкил этган⁶⁵. Кўринадики, рус аҳолиси сони йил сайин камайиб борган. Вилоятда яҳудий, корейс, қирғиз миллатлари марказлари фаолият олиб бормоқда, ўтказилган тадбирлар ҳам ўз самарасини бермоқда.

Фарғона водийсида тили, дини, ҳаёт тарзи, ҳатто орзу-умидлари муштарак миллатлар яшайди. Фарғона минтақаси бошқа минтақаларга нисбатан иқтисодий – ижтимоий жиҳатдан ривожланган минтақалардан ҳисобланади. 2016 йилга келиб, бу ерда 100 га яқин турли миллат вакиллари яшаган бўлса, улар орасида туб миллат вакиллари мутлақ кўпчиликни ташкил қилган. Фарғона водийсида ўзбек миллати вакилларининг миқдори 8,0 миллионга яқин бўлиб, уларнинг водий аҳолиси сонидаги улуши 90,2 фоиздан, тожик миллати вакиллари 463,7 минг киши бўлиб, уларнинг ҳиссаси 5,2 фоиздан иборат. Миллий таркибга кўра кейинги ўринни қирғиз миллати вакиллари эгаллайди, уларнинг сони 191,5 минг киши ёки улуши 2,2 фоиздир⁶⁶. Рус ва русийзабон аҳолининг сони ва умумий аҳоли сонидаги улуши нисбатан паст даражада.

